

## Фақат Аллоҳга таянинг!!!

14:55 / 28.04.2017 2733

Ривоят қилинишича Юсуф а. с. қамоқдаги дўстларидан нажот топадиганига: «Хўжанг ҳузурида мени эсга ол», деганларида олдиларига Жаброил а.с. келиб, Юсуф а.с.ни итоб қилиб, айблаб: «Эй Юсуф, акаларинг ўлдириб қўйишидан сени ким қутқарган эди?», дейди. Юсуф а.с.: «Аллоҳ таоло», деб жавоб беради. Жаброил а.с.: «Қудуқдан сени ким чиқарган эди?», дейди. Юсуф а.с.: «Аллоҳ таоло», деб жавоб беради. Жаброил а.с.: «Сени фаҳш ишдан ким (иффатингни) сақлаб қолганди», дейди. Юсуф а.с.: «Аллоҳ таоло», деб жавоб беради. Жаброил а.с.: «Аёлларнинг макру-ҳийлаларини сендан ким қайтарган эди (даф қилганди)», дейди. Юсуф а.с.: «Аллоҳ таоло», деб жавоб беради. Жаброил а.с.: «Унда қандай қилиб Роббингни қўйиб, ундан сўрамасдан, бир махлуққа (яъни, инсонга) ишониб, таяниб қолдинг?», дейди. Юсуф а.с.: «Ё Роббим, мендан хато ўтди, эй Иброҳим ва Яъқуб а.с.ларнинг илоҳи, Сендан мени раҳм қилишингни сўрайман», дейди. Жаброил а.с.: «Сенинг жазойинг қамоқда бир неча йил қолиш бўлади», дейди. (қамоқда етти йил қолади.)

Қиссадан ҳисса: Бирор мушкилимиз бўлса аввал Аллоҳ таолодан сўраб, сўнгра ҳал қилувчи сабабларини ахтариш лозимлиги ва мушкилимиз ҳал бўлса ҳам аввал Аллоҳга ҳамд айтиб, сўнгра сабабчиларига ташаккур билдириш лозимги маълум бўлади.

**Қудратуллоҳ Сидиқметов**